



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д. 4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

2018 у.г « 8 » июли

№ 1475-18

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги "Кўтарма" МФЙ "Бахрин" қишлоғи ҳудудидаги "Кичик саноат зонаси" ҳудудидан "LAZZAT NON" оилавий корхонасига "Қандолат маҳсулотлари, калбаса маҳсулотлари, хожатхона қоғози ва тикувчилик цехи" бино-иншоотлари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3607-сонли "Самарқанд вилоятида кичик саноат зонаси ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги "Кўтарма" МФЙ "Бахрин" қишлоғида ташкил этилган "Кичик саноат зонаси" ҳудудидан Иштихон туманида фаолият олиб бораётган "LAZZAT NON" оилавий корхонасига "Қандолат маҳсулотлари, калбаса маҳсулотлари, хожатхона қоғози ва тикувчилик цехи" бино-иншоотлари қуриш учун 0.25 гектар ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган "LAZZAT NON" оилавий корхонаси раҳбари Ф.Ярматовнинг аризасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2018 йил 25 апрелдаги 878-сонли "Давлат экологик экспертизаси хулосаси"ни, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг 2018 йил 7 майдаги 29-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2018 йил 25 апрелдаги 878-сонли "Давлат экологик экспертизаси хулосаси" маълумот учун қабул қилинсин ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг 2018 йил 7 майдаги 29-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. "LAZZAT NON" оилавий корхонасига туманидаги "Кўтарма" МФЙ "Бахрин" қишлоғида ташкил этилган "Кичик саноат зонаси" ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган ер майдонида "Қандолат маҳсулотлари, калбаса маҳсулотлари, хожатхона қоғози ва тикувчилик цехи" бино-иншоотлари қуриш учун 0.25 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. "LAZZAT NON" оилавий корхонаси раҳбари Ф.Ярматовга белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан рухсат олингандан сўнг, қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида "Қандолат маҳсулотлари, калбаса маҳсулотлари, хожатхона қоғози ва тикувчилик цехи" бино-иншоотлари қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Аstonов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов